



2019 у.г. «21» ЯНВАРЬ

№ 150-К

Ziyovuddin sh., – пгт. Зиёвуддин

Пахтачи туман Ободонлаштириш бошқармасига “Ҳакимкул” қабристонини
кенгайтириш учун ер ажратиш тўғрисида

Пахтачи туман Ободонлаштириш бошқармасининг “Ҳакимкул” қабристонидан бундан кейин янги қабрлар учун жой қолмаганлиги сабабли кўп сон аҳоли талабидан келиб чиқиб, “Ҳакимкул” қабристонини кенгайтириш учун ер ажратиш тўғрисидаги таклифи асосида “Ш.Қаҳҳоров шоғирдлари” массивининг 139-контурида танланган ва Бош лойиҳа-қидирув институти “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖнинг 2018 йил 18 майдаги 8/05-18/24-18-сонли хулосаси билан жойлаштирилган 3,3 га ер майдони, унга берилган Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси давлат экологик экспертизаси хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддаси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Пахтачи туман ҳокимининг 2018 йил 25 декабрдаги 2495-Қ-сонли қарори билан туман ҳокимлиги ер захирасига қайтариб олинган 1,0 гектар ер майдони “Ҳакимкул” қабристонини кенгайтириш учун ажратилсин.
2. “Ҳакимкул” қабристони учун ажратилган 1,0 гектар ер майдони туман “Ободонлаштириш” бошқармасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириб берилсин ҳамда қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасидан умумий фойдаланишдаги ерлар тоифасига ўтказилсин.
3. Пахтачи туман “Ободонлаштириш” бошқармаси (Н.Эшонкулов)га “Ҳакимкул” қабристони учун ажратилган 1,0 гектар ер майдонига белгиланган ҳуқуқ тури бўйича Самарқанд вилоят “Ермулккадастр” Д.К. Пахтачи туман филиалида давлат рўйхатидан ўтказиш, тегишли лойиҳалаштириш ташкилотлари ва қурилишни молиялаштириш топширилсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Бердиёров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

В.Рахимов